2003 YIL 5 IYUN, PAYSHANBA

# QISHLOQ HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№72 (6.597). Sotuvda erkin narxda

# МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ УЧУН ЯШАШ – БАРЧАМИЗНИНГ МУҚАДДАС БУРЧИМИЗДИР

***Мажлисда мазкур кенгаш аъзолари, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимлари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.***





**4 июнь куни Оқсаройда Президент Ислом Каримов раислигида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.**

Мамлакатимиз раҳбари бугунги йиғилишдан асосий мақсад - бундан олти ой муқаддам ташкил этилган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятига танқидий нуқтаи назардан баҳо бериш, эришилган натижалар, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни ҳар томонлама чуқур таҳлил этиб, тегишли хулосалар чиқариб олишдан иборат эканини таъкидлади.

Даставвал Ҳомийлик кенгаши ўтган галги йиғилишларида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши билан боғлиқ масала муҳокама қилинди. Мазкур масалага бағишлаб 2002 йил 29 декабрда ва 2003 йил 7 февралда жамғарма Ҳомийлик кенгаши мажлислари ўтказилганди. Уларда жамғарманинг мақсад-вазифалари ва фаолият йўналишлари, марказий идораси ва жойлардаги тузилмалари ҳақида, умуман, мана шу янги ташкилот билан боғлиқ барча ташкилий, молиявий масалалар тўғрисида атрофлича фикрлашиб олинган эди.

Хусусан, 7 февралдаги мажлисда жамғарма фаолияти бўйича ҳар бир мутасадди идора ва ташкилот, барча раҳбарлар зиммасига аниқ вазифалар юкланиб, болалар спорти борасида Ўзбекистоннинг ўзига хос табиий иқлим шароити ва анъаналарига мос келадиган истиқболли спорт турларини танлашда илмий асосда ёндашув, спорт мактаблари ва секцияларининг ишини тўғри ташкил этиш, ўқувчилар қалбида спортга қизиқиш, ҳавас ва интилишни тарбиялаш муҳимлигига алоҳида урғу берилганди.

Албатта, ўтган вақт мобайнида жойларда бу йўналишда бирмунча ишлар қилинганини айтиб ўтиш лозим. Лекин, биз ўз олдимизга қўйган юксак талаблар нуқтаи назаридан мавжуд вазиятга баҳо берадиган бўлсак, афсуски, ишларнинг аҳволи қониқарсиз эканини кўрамиз, - деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари биринчи галда мамлакатимизда болаларнинг спорт билан шуғулланиш даражаси қандай эканига эътиборни қаратди. Республикада 6 миллион 528 минг нафар 6 ёшдан 17 ёшгача бўлган бола бор. Бу масала юзасидан ахборот берган жамғарма раиси А.Мирқосимовнинг айтишича, бугунги кунда ана шу болаларнинг атиги 432 минг нафари, яъни 6,7 фоизигина спорт билан мунтазам шуғулланади. Халқ таълими вазири Р.Жўраев эса бу борада бошқачароқ рақамларни айтди. Унинг сўзларига қараганда, республикамиз бўйича ҳозир қарийб 26 фоиз бола спорт билан доимий равишда машғул.

-Гап рақамларда эмас, - деди Юртбошимиз. - Асосийси, бу рақамлар, кўрсаткичларнинг бугун қилаётган ишимизга қараб эртага ўсиши, ўзгаришидир. Хўжакўрсинга рақамбозлик қилишдан кўра, соғлом авлод тарбияси муҳим эканини унутмайлик. Бу борадаги барча ишларимиз мавсумий эмас, давомли, чуқур ўйланган бўлмоғи даркор.

Президент йиғилганлар эътиборини мамлакат миқёсида қанча спорт иншоотлари мавжудлигию улардан неча фоизи ишлаётганига қаратди. Маълумотларга кўра, республикамиздаги мавжуд спорт иншоотларидан 30-40 фоизи ишламоқда.

Спорт иншоотларидан тўлиқ фойдаланилмаётганининг асосий сабаблари спорт мураббийлари етишмаслиги, жойлардаги мутасадди раҳбарларнинг масъулиятсизлиги, замонавий спорт анжомларининг камлиги билан боғлиқ муаммолар эканлиги айтиб ўтилди.

Президент жойлардаги ишламай турган спорт иншоотлари билан боғлиқ барча муаммоларни ўрганиб чиқиб, уларнинг ечимини топиш ва ҳал этиш, мавжуд спорт иншоотларини тўғри, қонуний ва фойдали ишлатишни таъминлаш бўйича махсус комиссия тузиш юзасидан тегишли топшириқлар берди.

Мактабларда жисмоний тарбия дарси ҳафтасига атиги икки соатни ташкил этади. Қишлоқ мактабларида эса қиш мавсумида бу дарс ҳам тўла ўтилмайди. Мамлакатимиз раҳбари алоқадор вазирликлар зиммасига ушбу масалани кўриб чиқиш вазифасини юклади.

-Спорт билан шуғулланадиган ҳар қандай инсон ўзини яхши кўради, ўзини ҳурмат қилади. Бошқача айтганда, ўзини яхши кўрадиган одам спорт билан шуғулланади, фарзандларини ҳам спортга жалб этади. Буни қўллаб-қувватлашимиз, аҳоли орасида спорт маданиятини юксалтиришга эришишимиз керак, -деди Юртбошимиз. - Аммо кишиларимизнинг кундалик эҳтиёжларини қондиришда муҳим аҳамиятга эга дўконлару ошхоналар ўрнида турли кўнгилочар жойлар, хусусан, биллиардхоналар қуришнинг спортга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Президентимиз болалар спорт иншоотларининг намунавий лойиҳаларини тасдиқлаш билан боғлиқ масалага тўхталиб, ҳар бир лойиҳа жойларда ҳокимлар ва мутахассислар иштирокида чуқур ўрганилиб, таклифлар танқидий мулоҳазалар асосида тасдиқланиши мақсадга мувофиқ эканини айтди. Жойларда Андижон, Хоразм ва Бухоро вилоятлари марказларидаги каби стадионларни барпо этиш тажрибасини ҳар томонлама пухта ўрганиб, уни асос қилиб олиш ва амалда татбиқ қилишни тавсия этди.

-Ҳаммамиз тушунамиз - ҳокимларнинг зиммасидаги масъулият катта, уларга ишониб топширилган вазифалар бир-биридан муҳим, - деди Ислом Каримов. - Албатта, пахта ҳам, ғалла ҳам керак. Аммо бу ишларнинг ўз эгаси - деҳқон бор, фермер бор, тегишли мутахассислар бор. Уларга халақит бермасангиз бўлди, ўзлари ишини билиб қилаверади.

Ҳокимнинг, раҳбарнинг энг асосий вазифаси - аввало, мамлакатда олиб борилаётган давлат сиёсатини, унинг устувор йўналишларини, стратегик мақсадларимизни тўғри тушуниш, одамларнинг, ёшларимизнинг эртанги кунини ўйлаш, бунинг учун муносиб шарт-шароит яратиб беришдан иборат. Эртанги кунимиз, миллатимизнинг келажаги, авваламбор нимага боғлиқ? Ўз-ўзидан аёнки, бу биринчи галда фарзандларимизнинг соғлом ва ҳар томонлама баркамол вояга етишига боғлиқ.

-Биз яна битта бюрократик ташкилот тузганимиз йўқ, - деб таъкидлади Президент. - Шунинг учун бўлар-бўлмас одамларни - ҳар хил танишбилишларни бу ишга тиқиштириб, яхши ният билан бошланган ҳаракатимизнинг обрўсини туширмаслик керак.

Болалар спортини ривожлантириш деган иборанинг асл мазмун-моҳияти нима? Бу тушунчанинг замирида нималар мужассам? Давлатимиз раҳбари мажлис аҳлининг эътиборини ана шу масалаларга қаратди.

-Барчангиз бир ҳақиқатни яхши тушуниб олишингизни истардим,- деди Ислом Каримов. - Болалар спортини ривожлантириш дегани - ҳамма профессионал спорт билан шуғуллансин, ҳамма чемпион бўлсин, дегани эмас.

Ёшларимиз орасидан чемпионлар етишиб чиқиши, жаҳоннинг энг нуфузли майдонларида байроғимизни кўтариб, Ватанимиз шаънини бутун дунёга таратиши қувонарли, албатта. Бундай ғалабалар ҳар биримизга ғурур-ифтихор бахш этишини ҳаммамиз тан оламиз. Бугунги кунда ёш ўғил-қизларимиз орасидан ана шундай чемпионлар етишиб чиқаяпти ва бундан кейин ҳам чиқаверади. Бунинг ҳам зарур чора-тадбирларини кўряпмиз. Мен ишонаман - бу ишлар албатта ўз натижасини беради.

Биз мазкур жамғарма орқали аввало соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёш наслимизни турли салбий таъсирлардан асраш, болалар спортини оммавий, умумхалқ ҳаракатига айлантиришдек олижаноб мақсадларни кўзлаганмиз.

Болаларимиз соғлом бўлса, миллатимиз бақувват бўлса, ҳаёт синовлари ва қийинчиликлардан қўрқмайдиган, иродаси мустаҳкам бўлса, энг муҳими шу. Мана шу ғоя учун жон куйдириб яшаш ва ишлаш керак. Бунинг учун, аввало, ишни тўғри ташкил этиб, малакали, ишнинг кўзини биладиган кадрларни жой-жойига қўйиб, тарғибот-ташвиқот ишларини тўғри олиб бориш даркор. Токи одамларнинг ўзи бу ишнинг моҳияти ва аҳамиятини тўлиқ тушуниб етсин.

Мамлакатимиз раҳбари бу йўналишдаги тарғибот-ташвиқот ишлари ҳақида сўзлар экан, спорт журналистларимиз бу борада етарлича фаоллик ва фидойилик кўрсатмаётганлигига эътиборни қаратди.

(Давоми 2-бетда)

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*

# ҚАРОРИ

## Ишлаб чиқарилган ва сотиладиган пахта толаси учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида

**Пахта толаси ишлаб чиқариш ва сотишда бозор принциплари ва механизмларини кенг жорий қилиш, пахта толасининг республика бозорида рақобат муҳитини яратиш, етиштирилган пахта ва пахта маҳсулоти учун ҳисоб-китоб қилишнинг жаҳон амалиётида умумий равишда қабул қилинган шакллари ва тизимларини жорий қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

пахта маҳсулоти харидорлари ва ишлаб чиқарувчилари ўртасида ҳисоб-китобларнинг замонавий маданиятли шаклларини жорий қилиш;

пахтани қайта ишловчи корхоналар билан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ўртасида ўз вақтида ҳисоб-китоб қилинишини таъминлаш ва шу асосда умуман иқтисодиётда маблағлар айланишини жадаллаштириш;

етиштирилган пахта хом ашёси ва пахта толаси учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиш учун ташқи савдо компаниялари ва пахтани қайта ишловчи тузилмалар айланма маблағлари (шу жумладан ўз маблағлари ва қарз олинган маблағлар)нинг барқарор манбаларини аниқлаш пахта толаси учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини такомиллаштиришнинг муҳим мақсадли вазифалари ҳисоблансин.

2. Қуйидагича тартиб ўрнатилсин:

ташқи савдо компаниялари тузилган шартномалар асосида пахта толасини «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаларидан улгуржи харид қилади, кейинчалик уни жаҳон пахта бозорининг шаклланаётган конъюнктурасидан келиб чиқиб экспортга, шунингдек пахта толасини эркин муомаладаги валютага сотиб оладиган қўшма корхоналарга мустақил равишда сотади;

республика истеъмолчилари пахта толасини ким ошди савдолари асосида Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси орқали сотиб оладилар;

пахта толасини сақлаш ҳамда экспортга ва республика истеъмолчиларига бериш фақат ихтисослаштирилган минтақавий пахта терминалларидан (омборлардан) амалга оширилади.

3. Белгилансинки, 2003 йил пахта ҳосилидан бошлаб ташқи савдо компаниялари:

ўз маркетинг стратегиясини мустақил равишда белгилайдилар ва пахта толасини сотишнинг замонавий самарали усулларини қўллаган ҳолда жаҳон пахта нархининг қулай конъюнктурасидан келиб чиқиб экспортга сотадилар;

пахта толасини экспортга етказиб бериш прогнозлари ва истиқболларидан ҳамда жаҳон бозорида пахта маҳсулотига шаклланаётган нархлардан келиб чиқиб «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари билан пахта толасини улгуржи харид қилиш юзасидан шартномалар тузадилар;

ҳисоб-китоб қилишнинг аккредитив шаклидан устун даражада фойдаланган ҳолда пахта толасини форвард ва фьючерс контрактлар бўйича экспортга сотишдан тушган маблағлар, шунингдек қарзга олинган маблағлар ҳисобидан «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари билан тўлиқ ҳисоб-китоб қиладилар.

«Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаларида пахта толасини харид қилиш нархлари билан уни экспортга сотишнинг амалдаги нархлари ўртасида шаклланадиган ижобий ёки салбий тафовут уни ўз айланма маблағларини тўлдиришга мақсадли йўналтирган ҳолда ташқи савдо компаниялари молия-хўжалик фаолиятининг натижаларига тегишли бўлади.

4. Қуйидагилар:

ташқи савдо компаниялари билан «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари ўртасида пахта толаси учун ҳисоб-китоблар схемаси;

республика истеъмолчилари билан «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари ўртасида пахта толаси учун ҳисоб-китоблар схемаси маъқуллансин.

5. Пахта толасини экспортга сотишнинг ва пахта толаси учун ташқи савдо компанияларининг «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари билан ҳисоб-китоб қилишининг вақтинчалик тартиби тасдиқлансин. Унда пахта толасини транспортда ташиш, сақлаш, юклаб жўнатиш ва экспорт қилишга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатларнинг чекланган миқдорлари ташқи савдо компаниялари томонидан оширилишини истисно этувчи талаблар назарда тутилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси 2003 йилги ишлар натижалари бўйича кўрсатиб ўтилган Вақтинчалик тартибга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар.

6. Пахта толасини хорижий компаниялар ва фирмаларга «Ўзаукционсавдо» орқали ким ошди савдоси асосида эркин муомаладаги валютага сотишнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси бир ой муддатда Пахта толасини Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси орқали сотиш ва унинг учун «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари билан ҳисоб-китоб қилишнинг вақтинчалик тартибини ишлаб чиқсинлар ва белгиланган тартибда тасдиқласинлар.

8. Пахта толасини экспортга сотувчи ташқи савдо компаниялари учун солиқлар ва бюджетга ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар тўлашнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 12 июндаги 252-сон қарорига мувофиқ Бухоро, Сирдарё, Қашқадарё ва Наманган вилоятларида ихтисослаштирилган минтақавий пахта терминаллари ташкил этилганлиги ва фаолият кўрсатаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар комплекси, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси 2003 йил 1 сентябргача бўлган муддатда республика минтақаларида қўшимча равишда камида олтита ихтисослаштирилган минтақавий пахта терминали ташкил этсинлар, бунинг учун мавжуд омборхоналардан фойдалансинлар.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Давлат мулки қўмитаси, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси ташқи савдо компанияларига «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаларидан пахта толаси харид қилиш, уни сертификатлаш, сақлаш, суғурталашда ва экспортга етказиб бериладиган пахта толасини ташишни амалга ошириш учун тегишли инфратузилмани ташкил этишда кўмаклашсинлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги бир ой муддатда пахта толаси ва линтини қайта ишловчи барча маҳаллий саноат корхоналарини хатловдан ўтказсинлар, 2003 йил 1 сентябргача бўлган муддатда, хусусий корхоналар ташкил этган ҳолда уларни тўлиқ хусусийлаштирсинлар.

Жорий йилнинг 1 сентябригача бўлган муддатда хусусий мулк этиб қайта ташкил қилинмаган корхоналар бўйича Вазирлар Маҳкамасига уларни тугатиш ҳамда объектлар ва мол-мулкларини бўлиб-бўлиб сотган ҳолда давлат реестридан чиқариш тўғрисида таклифлар киритилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

ўн кун муддатда Вазирлар Маҳкамасига амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин;

бир ой муддатда идоравий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Э.Ғаниев ва Р.Азимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 3 июнь

## АНДИЖОН: БЕЛЛАШУВЛАР БЎСАҒАСИДА

*Мухбиримиз Қобилжон АСҚАРОВ ёшлик, нафосат вп спорт байрами арафасида қуйидагиларни хабар қилади:*

***Бугун Андижонда "Баркамол авлод - 2003" спорт мусобақалари финал босқичи беллашувлари бошланади.***

Қадимий ва навқирон Андижон катта спорт шодиёнаси оғушида. Андижонликлар бўлажак спорт байрамига ўзгача меҳр-муҳаббат билан тайёргарлик кўрдилар. Вилоят марказида на-

**"БАРКАМОЛ АВЛОД - 2003"**

фақат меъморий ечими, спорт мусобақаларини жаҳон андозалари даражасида ўтказишга имкон берувчи Марказий Осиёда ягона бўлган мажмуа ва стадион қад ростлади. Атиги бир йил давомида қуриб битказилган мазкур спорт иншооти ўзининг кўркамлиги, салобати, ўнлаб спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказиш даражаси билан ҳам ноёбдир. 22 май куни ушбу спорт мажмуасига ташриф буюрган Президентимиз ҳам андижонлик қурувчиларнинг бу қадар ҳашаматли мажмуани қисқа вақт мобайнида бунёд этганликларига тасаннолар айтганлигидан барчамиз хабардормиз.

(Давоми 4-бетда)

**А Т Т А Н Г**

## КИССАВУРНИНГ ЎМАРГАНИ КИМНИКИ?

***Ҳаётингизда чўнтаккесарларга дуч келганмисиз? Улардан жабр кўрганларга-чи?..***

Самарқандда Регистон майдонига кетаётиб, кўринишидан қишлоқдан келган бир аёлнинг бекатда унсиз йиғлаб ўтиргани беихтиёр диққатимни тортди. Эри хафа қилган бўлса керак ёки касалмикин, деган хаёлда ўтган-кетганлар билан тўрт-беш киши ҳолини сўраган бўлдик. Қайсидир қишлоқ мактабида фаррош бўлиб ишларкан. Тўрт ой деганда маош беришибди. Пулни тугунчага тугиб, болаларига кийим-кечак оламан, дея шаҳарга чиққан экан, киссавурларга олдириб қўйибди. Тўрт ойлик маошнинг ҳаммасини бир зумда-я... Кимдир киссавурларни қарғади, кимдир мелисанинг эътиборсизлигидан нолиди, аммо эҳтиётсизлигидан кўкракларига уриб, бошини чангаллаганча ҳам ўғриларни, ҳам ўзини лаънатлаётган муштипар ожизага қандай ёрдам беришни ҳеч ким билмасди...

(Давоми 2-бетда)

## "КЕЙС" - УНУМЛИ ВА ҚУЛАЙ

***Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини замонавий техника билан таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада хориж давлатлар билан қўшма корхоналар ташкил этилаётгани, айниқса, қўл келмоқда. Фикримиз исботи сифатида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил май ойидаги қарорига мувофиқ "Кейс" ҳайдов техникасини юртимизда йиғишга ихтисослашган "ЎзКейстрактор" қўшма корхонаси ташкил этилганини айтишимиз мумкин.***

**ТАРАҚҚИЁТ**

Замонавий тракторлар ишлаб чиқаришда "Кейс-Нью-Холланд" компанияси танлангани бежиз эмас. Бу компания қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқариш бўйича дунёда етакчи ўринда туради. Компания 1999 йилда "Кейс Корпорэйшн" ва "Фиат" гуруҳига кирувчи "Нью Холланд" компаниялари бирлашиши натижасида юзага келган. Кейинги йилларда компания маҳсулотининг талайгина қисми хорижий мамлакатларга, жумладан, МДҲ давлатларига экспорт қилина бошланди.

Ҳозирги кунда юртимиз далаларида беш мингга яқин "Кейс" пахта териш машинаси, ғалла ўриш комбайни, ҳайдов тракторлари ўзбек деҳқонининг оғирини енгил қилмоқда.

(Давоми 3-бетда)

**М О З И Й**

## ОГАҲИЙ ЭККАН ТУТ

***Қадим Хиванинг Эски Қиёт қишлоғида кўринишидан тулпорнинг ёғоч ҳайкалини эслатувчи кекса тут бор. Уни кексалар ҳазрат Огаҳий эккан тут, дея эъзозлашади.***

Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий (1809-1874) нафақат шоир ва тарихчи, балки таниқли давлат ва жамоат арбоби, Хива хонлиги бош мироби сифатида тарихда ёрқин из қолдирган. У 1836 йилдан вафотигача бўлган 38 йил ичида хонликда шу вазифада ишлаган. Огаҳий мироблик пайтида Полвон, Ғазовот каналларини қаздириб, воҳани оби-ҳаёт манбаи билан таъминлашга катта ҳисса қўшади.

Буюк аждодимиз давлат ишларидан бўш вақт топиб, туғилиб ўсган эски Қиёт қишлоғида боғ ҳам яратади. Бу ерда Огаҳийнинг табаррук қўллари билан экилган оқ тут, шукрки, ҳозир ҳам марварид мевалар билан кишиларни сийлаётир.

(Давоми 4-бетда)

## ОТЛАР КИШНАБ ТУРСИН

***От табиатнинг бетакрор мўъжизаси. Сурхондарёликлар от деса, хушёр тортишади. Эл кезсангиз от борасида шундай воқеаларга дуч келасизки, беихтиёр "наҳотки?", деб юборасиз.***

Нурмамат Тошбоев - шўрчилик. Фикрли инсон. Дунёнинг пасту баландини кўп кўрган. Отдан гурунг кетдими, ёниб-ёниб гапирадилар.

**СИНОАТ**

-От ҳовлига бойланган. Ўзи зўр от. Кўпкарида чопганини кўрсангиз. Болта ака хотини билан шаҳарга кетган. Касалхонага бировни кўргани кетганма, бозорга кетганма, ишқилиб уйда бўлмаган. Уйида икки ули қолган. Тўрт-беш ёшларда бўлган. Болалар ўйинга ўч. Ҳамсояларнинг болалари, ҳаммаси яшинмачоқ ўйнаган. От оёғида тикка турган. Отнинг сири кўп-да. Икки ўғил бола яширинаман деб, устидан очиладиган сандиққа тушиб олишган. Қопқоғини ёпишган. Сандиқнинг зулпаги илиб қолган. Болалар қайтиб чиқмоқчи бўлади, очилмайди. Болалар қанча ҳаракат қилишмасин, чиқишолмаган...

(Давоми 4-бетда)

**ҲИКМАТ**

*Уммонга яқинлашган сайин ирмоқлар ҳақида унутаборасан.*

ҲАКИМ САНОИЙ

"ҒАЛЛАБАНК"- ХОНАДОНИНГИЗГА БАРАКА КЕЛТИРСИН

КЕЛГУСИ СОНДА:
КОРХОНА ФАОЛИЯТИДА МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАР
НЕ БЎЛДИ?.. РАСВО БЎЛДИ!
ЎҒРИ... ЖИЯНИНГИЗ-КУ!

ТАВСИЯ

# КАСАЛЛИГУ ҲАШАРОТДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

***Маълумотларга қараганда, келгуси ойларда ғўза майдонларида ўргимчаккана, трипс, ширалар, оққанот, кўсак қурти, калмараз, антракноз, оидиум, клестариоспориоз каби зараркунанда ва экинлар касалликларининг ривожланиши кутилмоқда.***

Шу боис ҳар 50-60 гектар майдонга биттадан мавсумий назоратчилар тайинланиши ва назоратчилар томонидан барча экинларни, боғларни ва дала четларини кузатиш мақсадга мувофиқдир.

Кўсак қуртининг капалакларини учишини ва миқдорини аниқлаш мақсадида ҳар 2 гектарга биттадан ферамон тутқичларни ўрнатиш ва тушган капалакларни ҳисобга олиш ҳамда ўтказилган назорат ишлари натижаларига кўра зарарли организмларга қарши биринчи навбатда биологик усулдан фойдаланиш, мавжуд биолабораторияларни тўла қувват билан ишлаши учун зарурий озуқа билан таъминлашга эътибор бериш керак.

Бошоқли дон экинлари, сабзавот ва ғўза далаларида, дала четларида трипс, шираларга қарши ҳар гектар майдонга 300 донадан олтинкўз ҳамда бешиктебратар, тунлам капалакларининг тухумларига қарши эса ҳар гектар майдонга 1 граммдан трихограмма (3 такрорийликда), катта ёшдаги қуртларга қарши ҳар гектар майдонга 1:5, 1:10 нисбатларда бракон энтомофагларидан чиқариш лозим.

Бундан ташқари, ғўза майдонларида ёш ниҳолларнинг шира, трипсларга чидамлилигини ошириш мақсадида 1,5 фоизли корбамид эритмасидан гектарига 300 литрдан пуркаш яхши самара беради. Кучли зарарланган ғўза ва сабзавот экинларида шира, трипс ва оққанотлар учраса, уларга қарши зудлик билан карбафос ёки данадим кимёвий воситаларидан бирортасини қўллашни таклиф этамиз.

Ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларида ўргимчакканага қарши олтингугурт кукунидан ҳар гектар майдонга 20-40 килограммдан чанглатиш ёки унинг оҳакли қайнатмаси (ИСО)дан ҳар гектар майдонга 300-1000 литр ҳисобида пуркаш тавсия этилади. Агарда ўргимчаккана билан кучли зарарланган майдонлар аниқланса, унга қарши "Даргит" ва "Узмайт" препаратларидан бирортасини қўллаш яхши самара беради.

Боғ ва токзорлар зараркунандаларига қарши "Каратэ", "Нурелл-Д" ва "Толстар" ҳамда касалликларга қарши Фоликур БТ препаратларидан бирортасини пуркаган маъқул.

Эрталаб кунлар исимасдан ёки кечқурун, шамол тезлиги 5 м/с.дан ошмаганда кимёвий ишловлар ўтказилса, самараси юқори бўлади. Кимёвий ишловлар ОВХ-28 трактор пуркагичларида гектарига 300 литр суюқлик сарфлаб қўлланилади. Техниканинг созлиги муаммоларга ўрин қолдирмайди. Зараркунандалар ва касалликларга қарши кимёвий кураш чоғида шахсий хавфсизлик ва табиатни муҳофаза қилиш қоидаларига тўла риоя қилиш керак.

**Ш.МУҲАММАДАЛИЕВ,**
**"Ўзқишлоқхўжаликкимё" компанияси раисининг биринчи ўринбосари.**
**М.РАШИДОВ,**
**Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти директори.**
**Б.СУЛАЙМОНОВ,**
**Башорат ва биоусул Республика лабораторияси директори.**

# "КЕЙС" - УНУМЛИ ВА ҚУЛАЙ

(Боши 1-бетда)

"ЎзКейстрактор" "МХ" русумли машина-механизмларни ўзимизда кўплаб ишлаб чиқариш мақсадида ташкил этилган, - деди корхона раҳбари Муҳиддин Бойқувватов ЎзА мухбири билан суҳбатда.

-Бу борада 1996 йили мамлакатимиз ҳукумати ва "Кейс-Нью Холланд" компанияси ўртасида узоқ муддатли ҳамкорлик борасида келишув имзоланган эди. Ўтган беш йил мобайнида қўшма корхонамиз мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, соҳага илғор унумли техника етказиб бериш борасида сезиларли ишларни амалга оширди. Корхонамизда жами 300 дан кўпроқ ҳайдов трактори йиғилиб, деярли барчаси деҳқонларимиз ихтиёрига берилди.

Корхонамизда дастлаб 100 ва 135 от кучи қувватига эга бўлган "МХ" туркумли универсал ҳайдов тракторлари ишлаб чиқарила бошланган бўлса, бугунги кунга келиб бирмунча мукаммаллаштирилган янги "МХМ-140" русумли трактор тайёрланяпти.

Улар имкониятлари кенглиги билан ажралиб туради. Жорий йилда юзта шундай машина истеъмолчиларга етказиб берилади.

Тракторларимиз илк йилларда "Ўзагромашсервис" уюшмасининг машина-трактор паркларига етказиб берилган бўлса, эндиликда фермерлар орасида ҳам харидорларимиз сафи кўпаймоқда. Савдо-сотиқда лизинг қўлланилаётгани истеъмолчиларимизга, айниқса қўл келмоқда. Агар фермер "МХ" тракторини лизингга олмоқчи бўлса, бемалол "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компаниясига мурожаат этиши мумкин.



Тракторларимизнинг таннархини пасайтириш мақсадида унинг айрим деталлари ва қисмларини ўзимизда ишлаб чиқаришга катта аҳамият қаратяпмиз. Локализация дастурига мувофиқ бугунги кунда "МХМ-140" русумли янги мукаммаллаштирилган тракторимизнинг айрим эҳтиёт қисмлари "Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг" компанияси заводлари билан биргаликда ишлаб чиқарилмоқда. Бу борада энг зарур восита – омочларни ўзимизда кўплаб чиқариш бўйича Норвегиянинг машҳур "Квернеланд" компанияси билан шартнома имзоланганини айтиб ўтиш жоиз. Ҳозирги кунда 27 та "Квернеланд" русумли омоч эҳтиёт қисмлари мамлакатимизга олиб келинди ва улардан тайёр маҳсулот йиғилмоқда.

Пировардида қўшма корхонамиз маҳсулотига нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам талаб ортиб бораётганини таъкидлаш керак. Масалан, ўтган йиллари машиналаримиз Венгрия ва Украинага экспорт қилинган бўлса, бу йилдан бошлаб қўшни мамлакатларга ҳам чиқариш мўлжалланяпти.

**Олим НОРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## КЎНГИЛЛИ ҲОРДИҚ

***Жорий йилда Бухоро вилоятида 20 та шаҳар ташқарисидаги ва 42 та мактаблар қошидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳларида 16 минг нафар мактаб ўқувчилари кўнгилли ҳордиқ чиқаришади.***

- Биринчи босқичда 4 минг 700 нафар бола дам олади, - деди вилоят касаба уюшмалари раиси Саида Сайфуллаева . – Соғломлаштириш мавсумига кўнгилдагидек тайёргарлик кўришимизда ҳомийлар яқиндан кўмаклашди. Барча дам олиш оромгоҳлари таъмирдан чиқарилиб, зарур ошхона ва спорт анжомлари билан жиҳозланди. Спорт йўриқчилари, тарбиячилар танлаб олинди.

*"Туркистон-пресс"*

# БОЗОР ТАЛАБИГА ДОШ БЕРСАНГ...

ЖАРАЁН

***Кейинги пайтларда баъзи раҳбарларда бозор муносабатларига мослаша олмаслик, тадбиркорлик етишмаганлиги сабабли бир қатор корхоналар санация, яъни банкротлик ҳолатига тушиб қолди.***



Бундай корхоналар рўйхатидан "Ўзэлектроаппарат" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ҳам ўрин олган эди. У бир пайтлар республикадаги электротехника буюмлари ишлаб чиқариш бўйича йирик корхоналардан бири ҳисобланарди. Ўтган асрнинг охирларига келиб, жамиятнинг ишлаб чиқариш салоҳияти тобора пасайиб, банкротлик ҳолатигача етиб келди. "Ўзэлтехсаноат" уюшмаси томонидан махсус комиссия тузилиб, корхонанинг аҳволи яхшилаб ўрганиб чиқилди.

Хўш, банкротликдан қандай қутилиш мумкин? Бозор иқтисодиётига мослашмаган, боқимандаликка ўрганиб қолган кўплаб "мутахассис"ларни алмаштиришга тўғри келди. 2002 йилнинг сентябр ойидаң бери корхонага Шавкат Каримов раҳбарлик қилаяпти.

-Бозор иқтисодиёти шуни мажбур қиларканки, ишласанг ютасан, ишламасанг синасан, - дейди у киши. – Шунинг учун тинмай меҳнат қилаяпмиз. Ҳар бир чиқарган маҳсулотимизнинг сертификати бор. Ишга келган пайтимда ходимларда боқимандалик кайфияти ҳукм сурарди. Дастлабки қилган ишимиз маркетинг бўлими ташкил этиб, бозорни яхшилаб ўргандик. Айрим ходимларнинг ўрнига малакали кадрларни жалб қилдик. Замон талабига қараб ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Натижада 2002 йил октябр ойининг ўзидаёқ 70 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, корхона секин-аста оёққа тура бошлади. Йилнинг охирига келиб, жами 193 миллион 159 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилишига эришилди.

Корхона асосан электр тарқатувчи ва таъминловчи шкафлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Катта кучланишли бундай шкафлардан асосан Учқудуқ, Зарафшон, Ангрен, Навоийдаги йирик корхоналарда фойдаланади.

-Хом-ашёни савдо ташкилотлари ва корхонамиз қошида тузилган "Тошэлектроаппарат" Ўзбек – Россия – Британия қўшма корхонасидан шартнома асосида оламиз, - дейди суҳбатдошимиз. – Бу йил 800 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштирганмиз. Шунга яраша 307 нафар киши иш билан таъминланган.

Корхонани айланиб, ишчиларга яратилган барча шарт-шароитлар билан танишдик. Иш қизғин. Қулоққа фақат ускуналар "тақ-туқ"и эшитилади. Ҳамма ўз иши билан банд. Биз билан суҳбатда бўлган киши ўзини Ҳабибулло Файзиев деб таништирди.

-18 йилдан бери шу корхонада ишлайман. Шундай катта корхона банкрот бўлди. Ўшанда кўпчилик "энди тамом, тугади", деганди. Йўқ, шукрки, ҳаммаси изига тушиб кетди.

Ишчиларнинг меҳнатга бўлган муносабатини кузатарканмиз, кўпчилиги ёшлар эканлигининг гувоҳи бўлдик. Ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилишаяпти.

-Ёш кадрларнинг келганига тўрт-беш ой бўлди, - дейди "Асбобсозлик" цехи бошлиғи Холдор Нодиров. – Уларни ўзимиз мустақил меҳнат қилишга ўргатдик. Мана кўриб турганингиздек, компьютерлашган ускуналарни ўзлари бошқаришаяпти.

-Ишчиларимизнинг меҳнатига қараб моддий рағбатлантириб турибмиз,- дейди корхона раҳбари. - Ўртача маоши 40-45 минг сўм. Ундан ташқари ҳар ойда қилган иши натижасига қараб мукофот ҳам берамиз. Ҳозирча ишлаб чиқараётган маҳсулотимиз асосан ички бозорда сотилаяпти. Келажакда хорижий давлатларга ҳам чиқаришни режалаштирганмиз. Аввало, чет эл инвестициясини олиб киришга аҳамият бераяпмиз. Янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Электр шкафи Якно,К-59 ва К-26 электр панеллари кабиларнинг нархи чет давлатларда жуда қиммат. Шуларни биз ҳам сифатли, ҳам арзон нархда ўзимизнинг корхонада ишлаб чиқараяпмиз. Тендерларда қатнашиб, сифатли маҳсулот ишлаб чиқараётганлигимизни реклама қилаяпмиз. "Ҳаракатда – баракат", деганлари шу бўлса керак.



Корхонага 2003 йилнинг I-чорагида Финляндиянинг "FINPAUR" фирмасидан автоматлашган ускуна ва жиҳозлар келтирилган. Маҳаллий ёш, малакали кадрлар мазкур автоматлашган ускуналарни бошқараётганини кўриб, хурсанд бўлиб кетасан, киши. Иш шундай уюшқоқлик билан боришининг ўзи корхона эртанги куни чароғон эканлигидан далолат беради.

**Беҳзод ҲОТАМОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**





**Республикамизнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби Навбаҳор туманида ҳам ғаллачиликка алоҳида эътибор қаратилган. Жорий йилда 7 минг 762 гектар суғориладиган майдонга буғдой уруғлари қадаган туман деҳқонлари ҳосилдорликни ўртача гектарига 55-60 центнерга етказиш ниятидалар. Айни кунларда туман МТПсида 8 та "Кейс" русумли комбайнлар бошланажак ўримга шай қилиб қўйилди. Комбайн операторларига керакли кўрсатмалар берилди.**

**СУРАТЛАРДА: 1. Бош пудратчи Низом Ҳамроев. 2. Операторлар Баҳодир Пўлатов ҳамда Олимжон Рўзиевлар.**

**Б.АКРАМОВ олган суратлар.**


## "БАХМАЛ ШАРОБ" ОАЖ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

***2003 йил 4 июлда "Бахмал Шароб" очиқ акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилади. Унинг кун тартибига қуйидаги масалалар қўйилади:***

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 апрелдаги 185-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 апрелдаги 189-сонли қарорлари асосида*

*-Акциядорлик жамияти Кузатув Кенгаши Низомини тасдиқлаш;*

*-Акциядорлик жамияти Кузатув Кенгаши раиси билан жамият раиси ўртасидаги ижро этувчи орган раҳбарини ёллаш тўғрисидаги меҳнат шартномасини тасдиқлаш;*

*-Тафтиш комиссияси аъзоларини қайта сайлаш;*

*-Тафтиш комиссияси Низомини тасдиқлаш.*

*Навбатдан ташқари умумий йиғилиш 2003 йил 4 июл куни "Бахмал Шароб" очиқ акциядорлик жамияти мажлислар залида соат 11.00 да бошланади.*

**Манзилгоҳ: Жиззах вилояти Бахмал тумани, Тонготар қишлоғи.Телефон: 8 372 41 25571**

**КУЗАТУВ КЕНГАШИ**


# ИСЛОҲОТЛАР АМАЛДА

***Янгиқўрғон туманида режа бўйича 40,5 километр табиий газ тармоқлари қуриб фойдаланишга топширилди, 15 километр масофага сув қувурлари тортилиб, кўпгина қишлоқларда сув муаммоси ҳал қилинди.***

Наманган-Янгиқўрғон-Калишо йўли 30 метрга кенгайтирилади. Дастлабки 5 километр тўлиқ битиши учун 2 миллиард сўм маблағ ажратилди. Исковот қишлоғида "Болалар спорт мажмуаси" қурилиши бошланди.

Бу йил хонадонларни газлаштириш учун туман ички имкониятларидан 510 миллион сўм маблағ ажратилди. Парамон, Қораполвон қишлоқларида 50 ўринли қишлоқ врачлик пунктлари қурилаяпти. Бирлашган қишлоғидаги "Деҳқон бозори, туман марказидаги 600 ўринли "Маданият саройи" қайта таъмирланмоқда.

Туман маркази ҳам лойиҳа бўйича замонавий услубда бутунлай қайта қурилмоқда. Тумандаги 47 та қишлоқнинг ҳар бир маҳалласида ободонлаштириш ишлари жадал бораётир.

**"Туркистон-пресс"**


## "ELITA" ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ

**2003 йил 12 майда G 0139 рақами билан қайд этилган**

**ЭМИССИЯ РИСОЛАСИ**

***1.*** *Эмитент ҳақидаги маълумотлар.*

*"ELITA" очиқ акциядорлик жамияти*

*Манзили: Жиззах вилоят Пахтакор туман А.Икромов номли хўжалик*

*Давлат рўйхатидан ўтган санаси ва рақами: Жиззах вилоят Пахтакор туман ҳокимлиги томонидан 2003 йил 7 майда 262-сонли қарор билан рўйхатга олинган.*

*Ҳуқуқий мулк шакли: очиқ акциядорлик жамияти*

*Қайси вазирликка қарашли: "Ўзпахтасаноат" уюшмаси*

*Хизмат кўрсатувчи банкнинг номи ва эмитентнинг ҳисоб ва бошқа рақамлари: ЎзР "Пахта Банк"ининг Жиззах вилоят Пахтакор туман бўлими. ҳ/р: 20210000400387422001, МФО: 00127, СТИР: 200339655*

***2. Акцияларнинг тақсимланиш тартиби***

| | |
|---|---|
| Устав фонди | 126637000 сўм |
| Акциялар сони | 126637 дона |
| Битта акция номинал қиймати | 1000 сўм |
| Давлат улуши | 51 % |
| Акциялар суммаси | 31659000 сўм |
| Акциялар сони | 31659 дона |
| Меҳнат жамоаси улуши | 2,2 % |
| Акциялар суммаси | 2786000 сўм |
| Акциялар сони | 2786 дона |
| Хорижий инвестор улуши | 25 % |
| Акциялар суммаси | 31659000 сўм |
| Акциялар сони | 31659 дона |
| Эркин савдо улуши | 47,8 % |
| Акциялар суммаси | 60533000 сўм |
| Акциялар сони | 60533 дона |

***Акцияларнинг чиқарилиш тартиби 100 фоиз 126637 дона 126637,0 минг сўмлик акциялар нақдсиз (депозитарийда сақлаш йўли билан) сертификат кўринишида.***



Республикамизнинг энг йирик ва нуфузли банкларидан бири

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ

# "ПАХТА БАНК"

Юртимиз аҳолисига энг замонавий тўлов воситаси бўлган

**"СЎМ ПЛАСТИК КАРТОЧКАСИ"**ни таклиф этади!



**Карточка эгаларига йилига 42% даромад тўланади ва ҳар ойда капиталлаштириш эвазига пулларингиз йилига 51,1 % кўпаяди.**

**Имкониятни қўлдан бой берманг!**

**ПАХТА БАНК - ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!**

Маълумот учун телефонлар: **78-10-32; 173-25-15; 41-55-23**


# ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

## ЯҚИН ШАРҚ: АКАБА УЧРАШУВИ

***Сешанба куни Мисрнинг Шарм аш-Шайх шаҳрида ушбу мамлакат раҳбари Ҳусни Муборак, Иордания қироли Абдулло II, Саудия шаҳзодаси Абдулло бин Абдулазиз, Баҳрайн валиаҳди Шайх Хамад бин Исо ал-Халиф билан мулоқот ўтказган АҚШ президенти Жорж Буш кеча Иорданияда Исроил ва Фаластин бош вазирлари билан учрашди.***



Акаба шаҳрида Жорж Бушнинг Ариэл Шарон ва Маҳмуд Аббослар билан яккама-якка учрашувидан сўнг, уч томонлама музокаралар ҳам бўлиб ўтди. Унда асосан томонларни муросага келтириш, 2005 йилга бориб мустақил Фаластин давлати тузиш мақсадида Россия, АҚШ, БМТ, Европа Иттифоқи томонидан ишлаб чиқилган "Йўл харитаси"режасини амалга ошириш масалаларига эътибор қаратилди. Бу ҳақда фикр билдирган Жорж Буш Фаластин давлати барпо этиш учун имкониятлар мавжудлигини, бироқ араб давлатлари террорчи ташкилотларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватламасликлари кераклигини айтди.

## ЭВИАН: САММИТ ЯКУНЛАНДИ

***Франциянинг Эвиан шаҳрида бўлиб ўтган "Катта саккизлик" давлатлари раҳбарлари учрашувида учта декларация ва саккизта ҳаракат режаси қабул қилинди.***



Жумладан, Ироқ бўйича қабул қилинган декларацияда айни пайтда мамлакатда тинчлик ўрнатиш ва тикланиш жараёнларини жадаллаштириш лозимлиги, Ироқда янги суверен, барқарор, демократик давлат барпо этиш таъкидланади. Фаластин ва Исроил можаросини ҳал этиш, Яқин Шарқда тинчликка эришиш борасидаги иккинчи декларацияда эса "Йўл харитаси" режасини ҳаётга жорий этиш, 2005 йилга бориб мустақил Фаластин давлати қуришда мухторият иқтисодини тиклаш масалалари урғуланади. Ва ниҳоят учинчи декларацияда оммавий қирғин қуролларини тарқалишига ҳамда уларни террорчилар қўлига тушиб қолишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар кўриш лозимлиги таъкидланган. Келгуси йилги "Катта саккизлик" учрашуви Америка Қўшма Штатларида бўлиб ўтади.

## НАТО: ТЕРРОРГА ҚАРШИ ЯНГИ ЧОРАЛАР

***Кеча Мадрид шаҳрида ниҳоясига етган НАТО ташкилотига аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирларининг икки кунлик учрашувида халқаро хавфсизликка жиддий таҳдид солаётган терроризмга қарши кураш бўйича коммюнике имзоланди.***



Унда НАТО қўшинларининг антитеррор ҳаракатлари ташкилотга аъзо давлатлар чегарасидан чиқиб, дунёнинг бошқа ҳудудларида ҳам олиб борилиши таъкидланган. Бундан ташқари Мадрид учрашувида Ироқ мавзуси, хусусан, август ойидан бошлаб ушбу мамлакатга Польша қўмондонлиги остида 7 минг кишилик тинчликпарвар кучларни жойлаштириш масаласи ҳам муҳокама этилди. Ташкилот раҳбари Жорж Робертсон мазкур учрашувда НАТО аъзолигига номзод давлатлар Болгария, Руминия, Словакия, Словения, Латвия, Литва ва Эстония ташқи ишлар вазирлари ҳам иштирок этганлигини юқори баҳолади.

## ПОЕЗДЛАР ТЎҚНАШУВИ

***Испаниянинг Мадрид ва Мурсио шаҳарларини боғлаб турувчи темир йўлда йўловчи ва юк ташувчи поездлар тўқнашиб кетган, дея хабар беради "Ассошиэйтед-Пресс" агентлиги.***



Маълум бўлишича, айни бу пайтда Мадрид – Картахен йўналиши бўйича кетаётган йўловчи поездда ҳайдовчилардан ташқари 87 нафар киши бўлган. Ҳалокат туфайли 5 киши ҳалок бўлиб, 38 киши тан жароҳати олган. Тахминларга кўра, юк поездида кимёвий маҳсулотлар олиб кетилаётган бўлган. Шу боис, маҳаллий ҳокимият шу атрофда яшовчиларни хавфдан сақланишга чақирган. Ҳозирча фожиа сабаблари аниқ эмас.

## ЖАНГАРИ ЁНИДАН БИН ЛОДЕН МАКТУБИ ТОПИЛГАН

***"Рейтер" агентлигининг хабар беришича, Саудия Арабистони полицияси томонидан отиб ўлдирилган жангарининг чўнтагидан Усама бин Лоден томонидан ёзилган мактуб топилган.***



Исми Юсуф Солих Фаҳд ал-Айри дея айтилаётган бу жангари бир шериги билан полиция патрул хизматига қарата гранаталар улоқтиришганида отиб ўлдирилган, шериги эса ҳибсга олинган эди. У Ар-Риёд шаҳридаги портлашларда иштирок этган 19 кишилик гуруҳ аъзоларидан бири саналмоқда. Жангари ёнидан топилган мактубда эса бин Лоден исми шарифи аниқ келтирилган бир шахсни Ийд ал-Фитр байрами билан қутлаб, унинг гуруҳи эришаётган ютуқларни қутлаган эди. Тахминларга кўра, мактуб 6 ой аввал ёзилган бўлиши керак.

## ГЕНЕРАЛ ДЎСТУМ МАЗОРИ-ШАРИФДА ҚОЛМОҚЧИ

***Афғонистон шимолида катта нуфузга эга бўлган генерал Абдул Рашид Дўстум ўтган май ойида мамлакат президенти Ҳамид Карзайнинг мудофаа ва хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчиси этиб тайинланган ва янги фаолиятини бошлаш учун пойтахтга чақирилган эди.***



Бироқ генерал Мазори-Шарифни тарк этиб, Қобулга боришни рад этди. Бу ҳақда муносабат билдирган президентнинг матбуот котиби Сайёд Тайёб Жавад эса Абдул Рашид Дўстум янги вазифасида ишни давом эттириши учун ҳозирча унинг Қобулга келиши талаб этилмаслигини маълум қилган.

## "MARLBORO" ЭНГ ЗАРАРЛИ СИГАРЕТМИ?

***Атлантада жойлашган касаллик профилактикаси ва назорати бўйича федерал Марказ мутахассислари дунёда энг машҳур саналган "Marlboro" сигаретаси инсон ҳаёти учун энг зарарли тамаки маҳсулоти деган қарорга келганлар.***




Ўндан ортиқ давлатларда ўтказилган текширувлар натижасида Американинг асосан хорижда сотиш учун мўлжалланган бу сигаретасида рак хасталигини келтириб чиқарувчи канцероген моддаси бошқа сигареталардагига нисбатан камида икки баробар кўплиги маълум бўлди.

**ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида тайёрланди.**

# ОГАҲИЙ ЭККАН ТУТ

(Боши 1-бетда)

Қарийб 170 йил бурун экилган тут тарихнинг не-не воқеаларига гувоҳ бўлмади, дейсиз. Мана шу дарахт ёнида кунгурадор дарвозали иморат Огаҳийнинг уйи бўлган. Вақт ўтиб шўро давридаги пахта яккаҳокимлиги даврида теварак-атрофдаги боғу роғлар ҳам йўқотилиб, ўрнига пахта экилади. Фақатгина Яратганнинг инояти ва қишлоқ кексалари, хўжалик раиси Отаназар Пирназаровнинг саъй-ҳаракати туфайли Огаҳий эккан тут сақлаб қолинади. Шунингдек, теварак-атрофда қарийб бир гектар майдон ерда боғ барпо қилинади.

Ачинарлиси шундаки, ўша даврларда нафақат тут, балки Огаҳийнинг қабри ҳам қаровсиз аҳволда эди. Ҳатто 1959 йили Огаҳийнинг 150 йиллик санаси ҳам фақат қишлоқ миқёсидагина ўтказиб қўйилаверган. Ўшанда Ғафур Ғулом, Иброҳим Мўминов, Қори Ниёзий, Зулфия, Уйғун, Айёмий, Субутой Долимов, Эгам Раҳим, Қувомиддин Мунаров сингари шоиру олимлар келишганди. Куй-қўшиқ, мушоира авжга чиққан маҳали, Ғафур Ғулом хонандаларга Огаҳий ғазали билан айтиладиган қўшиқ куйлашни сўрайди.

-Огаҳийдан билмайман, оға, - дейди шунда хонанда. Буюк шоир юбилейидаги адабиёт ва санъат кечасида, шоир ғазаллари билан айтиладиган қўшиқдан бехабар хонанданинг бу гапидан жаҳли чиққан Ғафур Ғулом:

-Огаҳийдан билмасанг, кўтар бу данғирдунғирингни, - деган экан.

Шундан сўнг Ғафур Ғулом дўсти Бола бахши Абдуллаевни топиб келтирган, Огаҳий ғазалларию, халқ достонларидаги қўшиқларни кеча қатнашчиларига эшиттирган дейишади. Орадан йиллар ўтиб, шоир Эркин Самандарнинг саъй-ҳаракати билан Огаҳийнинг Шайх Мавлон бобо қабристонидаги абадий кўнимгоҳи, табаррук қўллари билан экилган тут, яшаган уйлари ободонлаштирилади. 1989 йилда ана шу теварак-атроф боғу роғга айлантирилиб, бу ерда Огаҳий уй музейи, ҳайкали қурилди. 1993 йилга келиб боғ майдони 32 гектарга етди.

Ҳа, фақат истиқлол туфайлигина Огаҳий меросини тўла ўрганишга киришилиб, Эски Қиётда шоир, тарихчи ва мироб ҳаётини акс эттирувчи боғ ва музей барпо қилинди. Бугун Огаҳий эккан тут ҳам, шоир қабри ҳам, яшаган уйи ҳам хоразмликлар учун табаррук зиёратгоҳга айланган.

**Умид БЕКМУХАММАД,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# АНДИЖОН: БЕЛЛАШУВЛАР БЎСАҒАСИДА

(Боши 1-бетда)

Шунингдек, спорт беллашувлари Андижон шаҳрининг бир қатор олий ўқув юртлари ҳамда коллежлари спорт саройларида ўтказилади. Бокс, белбоғли кураш, оғир атлетика, кураш мусобақалари Ўзбекистон Швейцарияси деб ном қозонган Хонобод шаҳрида бўлади. Шаҳар аҳли бу улкан беллашувга пухта ҳозирлик кўрди. Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғида 2000 томошабинни сиғдира оладиган майдон қурилди. Ўсмирлар ва қизлар волейбол бўйича беллашувларни Марҳамат туманидаги қишлоқ ва сув хўжалиги ҳамда қурилиш ва коммунал хизмат коллежи спорт залларида олиб борадилар. Футбол бўйича мусобақалар Олтинкўл ва Шаҳрихон туманлари стадионларида бўлиб ўтади.

Ёшларни спортга жалб этишнинг узлуксиз тизими жамиятимиз ҳаётига сингиб кетди, десак муболаға бўлмайди. Андижонликлар томонидан "Баркамол авлод" спорт мусобақаларига шу қадар меҳр-муҳаббат билан тайёргарлик кўрилдики, беллашувларда иштирок этувчилар, албатта, ҳозирликдан мамнун бўладилар. Мавжуд спорт иншоотларининг барчаси бугунги талаб даражасида қайтадан қурилди ёҳуд таъмирланди. Ётоқхоналар, ошхоналар ва маданий тадбирлар ўтказиладиган жойлар ҳақида ҳам шундай илиқ гаплар айтсак бўлади. Негаки, мусобақалар давомида ҳар бир нарса ўз ўрнида бўлиши зарур. Тайёргарлик ишлари республика ҳамда вилоят ҳокимлиги қошидаги ишчи гуруҳи диққат-эътиборида.

Бу галги спорт мусобақаларининг аввалгидан анчагина фарқи бор. Чунончи, Жиззахда бўлиб ўтган "Баркамол авлод" мусобақаларида спортнинг 9 тури бўйича беллашувлар ўтказилганди. Андижонда уларнинг сони 14 тага етказилди. Аниқроғи, бадиий гимнастика, бокс, оғир атлетика, қўл тўпи ва кураш қўшилган. Бинобарин, финал босқичида иштирок этувчи спортчилар сони ҳам ортди ва ҳисоб-китобларга қараганда 2786 киши майдонга тушади.

Президентимиз Андижонда бўлган чоғида "Баркамол авлод" спорт байрамининг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимларига алоҳида эътибор бериш юзасидан қимматли маслаҳатларини берган эдилар. Шу боис ҳам Баҳодир Абдураҳимов раҳбарлигидаги республика ташкилий-ижодий гуруҳ жамоаси бадиий қисмда Президентимиз айтганларидек, миллийлик анъанаси устувор бўлиши учун астойдил изландилар. Бадиий дастурда коллежлар ва мактабларнинг 10 мингдан зиёд ўқувчилари қатнашади.

"Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада"ларнинг финал босқичига бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Шубҳасиз, бунда оммавий ахборот воситалари ходимлари хизмати ҳам алоҳида бўлади. Олимпия заҳиралари спорт коллежида ҳамда финал ўйинлари ўтказиладиган бошқа ўйингоҳ ва залларда оммавий ахборот воситалари ходимларининг тезкорлик билан ишлашлари учун зарур шароит муҳайё этилди. Яъни, 300 га яқин журналист тезкор алоқа воситалари билан жиҳозланган матбуот марказида ўз хизмат вазифаларини адо эта оладилар.

Спортчиларнинг кўпчилиги бу ерга олдинроқ келишди. Улар беллашувлар олдидан ўз маҳоратларини яна бир бор синовдан ўтказиш имкониятига эга бўлдилар. Жойларда тенгдошлари билан мулоқотда бўлишди. Бу катта спорт байрами баркамол авлод орзуларининг ҳаётдаги инъикоси сифатида катта воқеа бўлиб қолади. Йўлбошчимиз қайта-қайта таъкидлаётганларидек, спорт мамлакатни дунёга танитибгина қолмай, балки соғлом муҳитни яратишда устувор бўлиб қолаверади.

МЕРОС

# ЁДГОРЛИКНИНГ ТАБИИЙ СОВУТГИЧИ

***Сомонийлар мақбараси Мовароуннаҳрнинг энг нодир ва қадимий обидаларидан бири саналади.***

Яқин вақтга қадар ер ости сувларининг бу ноёб ёдгорликка зиён етказиши мумкинлиги кўпчиликни хавотирга солиб келарди. Эндиликда ташвишланишга ўрин қолмади. Сомонийлар марказий истироҳат боғидаги бу қадимий обидани кўз қорачиғидек асраб-авайлаш йўлида хайрли иш амалга оширилди.

Мақбаранинг олд қисмидаги майдонда катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари бажарилди. Эни билан бўйи 16 метр бўлган ҳовуз барпо этилди. Қадимий ёдгорлик кўркига кўрк қўшилди.

-Ушбу ишлар учун 60 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди, - дейди бу ердаги ишларни бажарган "Напалм" хусусий корхонаси раҳбари Ғуломризо Ғуломов. – Қурилиш ишларига вилоят ички ишлар бошқармаси бош пудратчилик қилди. Ободончилик ишларида Аҳмад Ҳалимов, Ринат Шанбазов, Олим Ҳикматов, Козим Ғуломов сингари ишчиларимиз ғайрат-шижоат кўрсатдилар.

Гап шундаки, Сомонийлар мақбараси ёнида қадимда ҳам ҳовуз бўлган. У ёдгорликни ер ости зах сувлари таъсиридан ҳимоялаган. Агар мутахассислар ибораси билан айтадиган бўлсак, у табиий кондиционер вазифасини бажарган. Афсуски, ўтган асрнинг 20-йилларида ҳовуз бутунлай кўмиб юборилди. Натижада, ер ости зах сувлари унга хавф сола бошлади. Янги барпо этилган ҳовуз ана шу хавфни бартараф этиб, мақбара атрофидаги ҳавони ҳам мўътадил сақлашга мўлжалланган.

**Истам ИБРОҲИМОВ**

*Газетхон ижодидан*

# ФАҚАТ СЕН КЕЛМАДИНГ...

Елкадош тоғлардек тиладинг бардош,
Жуфт чечаклар бошин силадинг йўлдош,
Кетдинг, келарман деб баҳорда қуёш,
Тоғларнинг суйгани келди баҳорим,
Фақат сен келмадинг, суюкли ёрим!
Тошлар кўксин ёриб чиқди лолалар,
Булбул гулин топди, қилмас нолалар,
Бўзтўрғай куйи ҳам хушхон таралар,
Жийдалар шохида кулди баҳорим,
Фақат сен келмадинг, суюкли ёрим!
Йиқилган оҳу ҳам интилиб, шошиб,
Мўмиёлар топди чўққилар ошиб,
Мен васлинг истадим юрагим тошиб,
Қанисан нажотим, севгим, мадорим,
Наҳот сен келмайсан суюкли ёрим!
Кетди васли баҳор, кетди олтин куз,
Хазонлар ҳақида истамам бир сўз,
Ҳамон йўлларингда нигорондир кўз,
Ишқ ёнар юракда, этмасми зорим,
Наҳот сен келмайсан суюкли ёрим!
Дармон бўл, кел арит қайғуларимни,
Асрадим дилда пок туйғуларимни,
Тонггача узатиб уйқуларимни,
Йўлингга кўз тутиб, кутаман борим,
Сен қачон келгайсан суюкли ёрим,
Сен эдинг ҳаётим, сенсан баҳорим.

**Шарбат МУХТОРОВА**

# SPORT OLAMIDA

## КУТИЛМАГАН НАТИЖАЛАР

***Ўтган куни мамлакатимизнинг еттита шаҳрида футбол бўйича олий лига жамоалари ўртасидаги Ўзбекистон чемпионатининг 11-тур беллашувлари бўлиб ўтди.***



Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу турда мезбонларга нисбатан меҳмонларнинг қўли баланд келиб, тўртта ўйинда майдон эгалари бош эгиб чиқишга мажбур бўлишди. Жорий йилги биринчиликда кўпгина ғалабаларни қўлга киритиб, анча ишончли ҳаракат қилаётган "Цементчи"га ҳам ушбу турда "кўз тегди". Олий лига дебютанти "Гулистон" жамоаси билан ўз майдонида тўп сурган мазкур жамоа футболчилари кутилмаганда меҳмонлар футболчиси Жалилов томонидан киритилган ягона гол туфайли керакли уч очкодан маҳрум бўлишди. Пойтахтимизнинг "Трактор" жамоаси футболчилари "Қўқон-1912"ни сафарда 4:3 ҳисобида енгиб, ўз мухлисларини хушнуд этишди. Чемпионат пешқадами "Пахтакор" бу сафар Бекободнинг "Металлург" жамоасини ўз майдонида йирик – 4:0 ҳисобида енгди. Аввалига Крохмал (2 та), кейинроқ Ирисметов ва Магдиевларнинг рақиблар дарвозасини аниқ нишонга олишлари тошкентликларга муҳим очколарни ҳадя этди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: "Насаф" – "Навбаҳор" 3:2, "Бухоро" – "Нефтчи" 1:4, "Дўстлик" – "Қизилқум" 1:2, "Сурхон" – "Машъал" 1:1. Кеча эса "Андижон" – "Самарқанд-Динамо" ўртасидаги баҳс билан 11-турга якун ясалди.

## ОКЕАН ОРТИДАН ХУШХАБАР

***АҚШнинг Лас-Вегас шаҳрида профессионал бокснинг WBO йўналишида рақибларини бирин-кетин мағлуб этаётган ўзбекистонлик Қувончбек Тойғанбоев ва Руслан Чагаевларга навбатдаги рейтинг жангларидан сўнг яна омад кулиб боқди.***

69,9 килограмм вазн тоифасида россиялик Андрей Цурканга қарши рингга кўтарилган Қувончбек Тойғанбоевнинг рақибини енгиши қийин кечмади. Шуниси қувончлики, Қувончбекнинг тўлиқ устунлигида кечган 10 раундлик беллашув ҳамюртимизнинг ғалабаси билан якунланиб, у рейтинг бўйича очколари сонини кўпайтириб олди.

Шунингдек, WBO йўналишининг 86,2 килограмм оғир вазнли боксчилари орасида ҳозирча ўтказилган еттита жангнинг бирортасида мағлубият аламини тотиб кўрмаган Руслан Чагаевга бу сафарги саккизинчи жангда америкалик Грехам рўбарў келди. Очиғи, америкалик чарм қўлқоп устаси Руслан томонидан берилаётган кучли зарбаларга бор-йўғи уч раунд бардош бера олди, холос. Бокс ишқибозларига чиройли ўйин туҳфа этган Чагаев ўз рақибини техник нокаут билан мағлуб этиб, чемпионлик сари яна бир дадил одим ташлади.

## ПОЙТАХТЛИК ЁШ ТЕННИСЧИЛАР – ҒОЛИБ

***"Камолот" спорт мажмуида "Соғлом авлод учун" жамғармасининг Кубоги учун теннис бўйича халқаро турнир уюштирилди.***

Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятлардан ташриф буюрган ёш теннисчилар ўртасида ташкиллаштирилган ушбу турнирда қўшни республикалардан ҳам вакиллар қатнашиб, ғолиблик учун кескин кураш олиб боришди. Теннис сирларини ўрганиш иштиёқида юрган икки минг нафар 10 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар ўртасида кечган ушбу мусобақалар якунида самарқандлик Александр Чен, пойтахтлик Ольга Бланк, Рифат Бихтюков, Альбина Хабибулиналарга шоҳсупа тўридан жой эгаллаш насиб этди. Умумжамоа ҳисобида ҳам Тошкент шаҳри теннисчилари биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлишди.

## КАРАТЭЧИЛАР – ТОТАМИДА

***Пойтахтимизда спортнинг каратэ тури бўйича Ўзбекистон биринчилиги баҳслари бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон терма жамоасига номзодларни саралаб олишга ёрдам берувчи ушбу баҳсларда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятлардан 300 нафар спортчилар ғолиблик учун қизғин кураш олиб боришди. Кескин, муросасиз ўтган кумитэ беллашувларида Тошкент шаҳри каратэчиларига тенг келадиган рақиб топилмади. Шунингдек, қашқадарёлик, андижонлик каратэчиларга иккинчи, учинчи ўринлар насиб этди. Мусобақанинг ката баҳсларида эса омад Тошкент шаҳар марказий спорт клуби вакилларига кулиб боқди. Биринчилик якунида ғолиб ва совриндорларга совринлар ҳамда эсдалик совғалари туҳфа этилди.

**Имомали УЛФАТОВ тайёрлади.**

# ХОРАЗМЧА АСКИЯ

*Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов асарлари пайрови*

***-"Чўл ҳавоси" ёқибди, шекилли, "Пўлат чавандоз" анча ўзгарибди. Кеча кўрдим – кайфи аъло!***

-Ўзиям "Нотаниш орол"га кетгандай, анча вақтдан буён кўринмай қолувди. "Нимадир бўлди" шу одамга деб юргандим. Ҳайрият дарагини эшитдим.

-Асли "Ер фарзанди"-да. Чўлда фермерлик қилар экан. Ишлари зўрга ўхшайди. Бўлмаса "Машина сотаман" дермиди?

Мустақиллик шарофати бу! Ҳам ўзининг, ҳам "Бировнинг ташвиши"ни чеклаб, бой бўлганга нима етсин.

-Шуни айт. "Икки карра икки беш" бўлади, деб юрган анави Собир содда борку, ўша энди зўр тижоратчи бўлганмиш. Данғиллама иморат. Икки машина. Лақаби ҳам ўзгариб, Собир топқир бўлибди.

-Тавба, "Тушда кечган умрлар"га ўхшайди-я.

-Ёдингдами, мактабда ўқиб юрган пайтларингда донишмандларнинг ҳикматли сўзларини, баъзан ўзингнинг хаёлингга келган доно фикрларни ёзиб борар эдинг. Ўша "Дафтар ҳошиясидаги битиклар"ингга кўзим тушганида ўқиган бир сўзим ҳалиҳали ёдимда.

НИМТАБАССУМ

-Йўғ-э! "Хазина"да сақланган қимматли буюмдай асраб қўйган экансан-да.

-Доноларнинг сўзи "Бир томчи шудринг" эмас. Қуёш чиқиши билан эриб, йўқолиб кетмайди. Сен ўзинг ҳам беҳуда ёзиб бормагансан уларни. Хуллас, ўша битикда бундай дейилади: "Шамол эсаверади", вақт ҳам ўтаверади, аммо "Баҳор қайтмайди".

-Файласуф бўлиб кет-э! Аслида гапинг жуда тўғри. Баъзи одамлар бор, "Шумлик" қиламан деб, ҳатто "Узун кечалар"и ҳам ёмонликни ўйлаб, "Одамлар нима деркин?", дея андишага ҳам бормай, нуқул бировларга чоҳ қазиш пайида бўладилар.

-"Нур борки, соя бор", дўстим. Ёмонлар худодан топаверади. Қани ўзингнинг аҳволинг қалай, шундан гапир?

-Шукр. Соғлигим, ишларим яхши. Осойишталик. Шундан бошқа нима керак? Тўғри, ташвишлар йўқ эмас. Кимнинг ташвиши йўқ дейсан. Мен ҳам юрибман, шу "Икки эшик орасида", қудалар томонга қатнаб дегандай...

-"Қалбингга қулоқ сол"сам кўп гап борга ўхшайди. Ишқилиб, қудаларинг ҳам ўзингдай камтар, дилкаш, меҳнаткаш, "Садоқат"ли инсонлар бўлсин! "Қуёш тарозуси" сендан саховатини аямасин. Ҳовлингга "Тўйлар муборак!", деб кириб бораверайлик.

**Абдулла САФОЕВ,**
**Хива шаҳри.**



А.АЛИКУЛОВ олган сурат-лавҳа.

# РАССОМ ХАНДАСИ

Ўтлагани кенг дала,
Курбинг етса кур қалъа!



Бошин ўйлаб кўнгли тўқ,
Орти билан иши йўқ...



Жаҳонгир МИРЗО чизган суратлар.

# ОТЛАР КИШНАБ ТУРСИН

(Боши 1-бетда)

Орадан икки-уч соат ўтиб, Хушвақт ака хотини билан келади. Болалар йўқ. Ҳамсоялардан сўраса, "Билмаймиз", дейди. Югуришади... Хушвақт аканинг кўзи отга тушади. У кишнаяпти. Туёғини ерга уриб, тупроқ отаяпти. Аввалига ҳайрон қолади. Кўзиям бошқача. Бўйни қайрилиб, синиб кетадигандай тортинади. Яна уйига қараб. Хушвақт отнинг арқонини бўшатади. Жониворни қаранг, ақлининг кўплигини, от чопиб боради-да, айвонда турган сандиқнинг у ёғинибу ёғини тумшуғи билан туртаверади. Хушвақт ака чопиб келиб, сандиқни очган... Ана даҳшат! Икки бола бир-бирининг бетини тирнаб, қонга ботиб сулайиб, ўлишига оз қолган. От бўлмаганда эҳтимол болалар ўлиб қоларди.

Бу ҳикояни эшитиб, лол қолдим. От кучли, рост, от чопқир, тўғри. Отда ҳали биз англамаган яна нималардир бордай. От инсоннинг дўсти. Бобом айтардилар: "От минган қаримайди". Бу гапда жон бор. Раҳматлик Тожи бобо ҳаётлик пайтларида отлардан кўп гурунг берардилар. Сурхондарёнинг энг зўр отлари у кишида бўларди. Элбаёнга бориб қолсам, суҳбатини олмай ўтолмасдим. Шундай отларни боқардики, ҳар қандай чабоғон "Шу отни кўпкарида бир чоптирсам", дерди. Бобо доимо отда юрардилар. Саксон ёшларида ҳам худди қирқ ёшли йигитдай қирчиллама қадам ташлардилар. "От минганнинг кучига куч қўшилади, тўксонда ҳам қариликни тан олмайди", дердилар.

Элбаёнлик Тожи бобо қассоблик ҳам қиларди. Шерободдан ёш қассоб бобони излаб келади ва сўрайди:

-Сиз кўп йилдан бери қассобсиз. Ҳеч от сўйганмисиз?

Бобо жиддий қарайдилар:

-Отни сўйиб бўладими?! Отнинг деви бор. Отни сўйган омон қолмайди.

-Ташкилотимизнинг бошлиғи қўймаяпти, от сўй, деяпти, - дейди қассоб йигит.

-Зинҳор, от сўйманг! Зинҳор! Касофат топасиз, ёш экансиз, ширин жонингизни ўйланг...

Бир йил ўтиб, Тожи бобо иш билан Шерободга боради. Қассоб йигит отни сўйибди. Олти ой ўтиб ўзи ҳам вафот этибди. Балки тасодифдир, балки тасодиф эмасдир?! Ким билади, дейсиз.

От миниб кўрганмисиз? Минсангиз, кўнглингиз баландлашади. Ҳавода учиб бораётганга ўхшайсиз. Гўё осмон яқин. Руҳиятингиз кўтарилади. Гўё табиат сизни эркалаётгандай. Хаёлингизга Бойчибор келади. "Ғирот ҳам шундай бўлган-да", деган ўй кўнглингиздан ўтади. Отдан тушгингиз келмайди. Тушсангиз, осмон олислаб кетади, сиз ерга қапишасиз. Отга минаётганингизда томирларингизга қон тўлади, вужудингизда шиддат тошади, тўлқинланади. Бир от мининг-да!..

Норсоат Рамазонов оқсоқол одам. Отаси чабоғон ўтган. Норсоат отасидан гурунг бошласа, эшитадиган одам керак.

-Уюрда бир асов от бор эди. Бир ўзида ўнта шернинг шиддати. Шуни минги қилиш керак. Отам, майли, деди. Лекин асовни ушлаб бўлама? Жийрон Қашқа деган от. Ҳалиям кўз олдимда. Отам шуни миниб, асовни ушлашга тушди. Қўлида асов нухта, отнинг қилидан тўқилган, сиртмоқ, жуда кувватли. Қирқ от тортсаям узолмайди.

Бутун уюрни жарга қамашди. Уч томони қоя, бир томони очиқ. Йилқилар ичида асов, жар ичи кўра. Очиқ "дарвоза" томонда ўн беш отлиқ. Бошқа отларни учов-тўртов қилиб чиқариб юборишади. Асов – сезгир!

Жархонада олтиталар от қолади. Рамазон чабоғон асовни кўзлаб, қўлида асов нухта бораверди. Отнинг зўрлигини шунда кўрсангиз. Бир пайт асов жархонанинг тўридан очиқ томонга ўқдай отилди. "Дарвоза"да жипс отлиқлар. Ўтишга йўл йўқ. Асов яшиндай бўлиб, отлиқлар устига бораяпти. Худди ўқдай! Чабоғон ҳам отга қамчи урди. Жийрон Қашқа учаяпти. Олдинда – асов! Тўхтамади, қайрилмади, асов ўзини отлиқлар устига отди. Ёриб ўтдими, учиб ўтдими, кўз илмади. Асов кенг даштда шамолдай елиб бораяпти. Чабоғон Жийрон Қашқа билан асов изидан елдай учаяпти.

Норсоат гапираяпти, ёдимга Э.Сетон-Томпсоннинг "Ёввойи йўрға" ҳикояси келди. Унда ёввойи йўрға сиртмоқланади. Йўрға баданига тақа қизитилиб, тамға босилади. Кўзимдан ёш келганди. Сўнг йўрға қоядан ўзини пастга отади ва тошга урилиб, жон беради. "Озод бўлди", деб ўрнимдан туриб, ҳайқираман...

Норсоат ака ҳамон ҳаяжонда сўзлаяптилар:

-Асовнинг кетишига қараб қаноти бор, дейсиз. Изма-из, ўқни ўқ қувиб бораётгандай кетаяпти. Чабоғон етай деб қолди. Икки отнинг чопишини! Яқин бориб, отам асовга нухтани отди. Асовнинг бўйнига тушди. Бор кучи билан тортди. От қайрилиб, қумга йиқилди. От эмас, бир олов. Отлиқлар келди. Асов даҳшатли овоз билан кишнади. Кўзидан ёш шовуллаб отилаяпти. Бадани сув. Асовнинг устига бир қоп тупроқни маҳкам бойлашди, устига яна бир ҳуржун тупроқ босишди. Туёқлари боғланди. Уч кунгача озиқ беришмади. Асовнинг кўзи киртайиб, мўлтираб қолди...

Норсоат аканинг сўзлари мени ларзага солди. Бу даҳшат! Ичимдан



эзилиб кетдим. Ҳалиям ўша от кўз ўнгимда. Эсласам... Отнинг қийналишига тоқатим йўқ. Отнинг бундай тириклигидан қоядан сакраб ўлиб кетгани афзалдай.

Кексалар айтадиларки, от боғловли турган ҳовлига инс-жинс балоофат йўламайди. От бор жойга Аллоҳ барака ёғдиради.

Бойчибордай отлар йўқ бўлиб кетди. Ғиротдай тулпорни топмоқ мушкул. Ҳали-ҳали эсимда, келинларни отда олиб келишарди. Бир пайтлар келиннинг қалинига от сўрашган. От кўп бўлган-да, ахир. Отлар камайиб бораяпти. Яхшиям кўпкарилар бор! Учқур-учқур отларни кўрасиз.

От жимгина бош эгиб турса, ёмонликнинг аломати экан. От бошини кўтариб, ёлини ярқиратиб, кишнаб турса, яхшиликдан нишона экан. Илойим отлар кишнаб турсин.

**Менгнор ОЛЛОМУРОД,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона – 136-58-83. Бош муҳаррир ўринбосарлари – 133-16-27, 133-44-43. Котибият – 136-56-30. Ижодий гуруҳлар – 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42. Факс – 133-09-93, 133-40-87

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-2-25-32-23; Бухоро – 8-365-22-648-22; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-588-56; Наманган – 8 – 369-43-311-81; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-233-00-52; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-225-41-73; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар бўлими телефони: 133-44-43, 136-58-83.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи: Д.ҚИРҒИЗБОЕВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2002 йил 18 февралда № 00694-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

Буюртма Г-471, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

E-mail: kishlokhayoti@yahoo.com

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: 22.15 Адади 16 114

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6